

Поль Погба: «Рўза тутиш футбол ўйнашимга салбий таъсир қилмайди»



18:01 / 25.04.2021 1730

«Манчестер Юнайтед» яримҳимоячиси Поль Погба мусулмонлар учун Рамазон ойида фарз амал ҳисобланган рўза тутиш ҳақида гапириб, бу унинг ўйинларига ҳеч қандай салбий таъсир қилмаслиги ҳақида айтиб ўтди. Бу ҳақда tribuna.uz манбаси хабар берди.

Унинг таъкидлашича: «Узоқ йиллардан буён рўза тутиб келаётганим боис, машғулот ва ўйинлар пайтида ҳам бу менга салбий таъсир қилмайди. Қолаверса, бизда профессионал диетолог ҳам бор, у Рамазон ойи давомида кўпроқ нималар истеъмол қилиш зарурлигини тавсия қилиб келади. Айтайлик, машғулот ва майдонда етарлича кучга эга бўлиш учун кўпроқ оқсиллар ёки яна қандайдир маҳсулотлар истеъмол қилишимни назорат қилади. Яна бир жиҳати Манчестерда эканлигим ҳам омадим. Рамазон ойида бу ерда бошқа мамлакатлардек иссиқ эмас, ёмғир кўп ёғади. Шу боис рўза тутиш менга оғирлиқ қилаётгани йўқ», дейди франциялик яримҳимоячи клуб расмий сайтыга.



Англия Премьер-лигаси 33-тури доирасида «Лидс»га қарши учрашув Погбанинг «МЮ»даги 200-ўйинига айланади.

«Лидс»га қарши баҳс менинг «Юнайтед»даги 200-ўйиним бўлади? Қойил, бунни билмасдим. Бу жамоада 200 ўйинлик маррани забт этиш катта фахр. «МЮ» ва «Лидс» ўртасидаги тарихий қарама-қаршилик ҳақида жуда яхши хабардорман. Уларга қарши ўйинда майдонга тушишни интизорлик билан кутаяпмиз», - дейди Погба клуб расмий сайтига берган интервьюсида.

Маълумот учун, АПЛ 33-тури доирасидаги «Лидс» - «МЮ» учрашуви бугун, якшанба кунни соат 18:00да бошланди.